

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ ДАВРОН КАДИРОВИЧ

**ЗОТИЛЖАМ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ: ПРОГНОСТИК ВА ТЕРАПЕВТИК
АСПЕКТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муминов Даврон Кадилович

Зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолати:
прогностик ва терапевтик аспектлари..... 3

Муминов Даврон Кадилович

Функциональное состояние почек у больных с пневмонией: прогностические
и терапевтические аспекты..... 25

Muminov Davron Kadirovich

Functional state of kidney in patients with pneumonia:
prognostic and therapeutic aspects..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ ДАВРОН КАДИРОВИЧ

**ЗОТИЛЖАМ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ: ПРОГНОСТИК ВА ТЕРАПЕВТИК
АСПЕКТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТАШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Tib1068 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Даминов Ботир Турғунпўлатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Маъруф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабилов Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Зотилжам – замонавий соғлиқни сақлашдаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб, ушбу касаллик ўзида ҳам молиявий, ҳам ижтимоий-тиббий ташвишни акс эттиради. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра «...пастки нафас йўллари инфекциялари, жумладан, зотилжам дунё бўйича ўлимга олиб келувчи боручи етакчи сабаблар учлигига киритилган».¹ Ҳатто ижобий натижа бўлганда ҳам зотилжам туфайли шифохонага ётқизилган 20% гача беморлар интенсив терапияга муҳтож бўлади, уларнинг учдан бир қисми учун механик вентиляция кўмак талаб этилади. Замонавий илм-фан нуқтаи назарида яллиғланиш ва иммун реакцияси фаолланиши муносабати билан зотилжам буйракни ўткир функционал бузилиши, яни ўткир буйрак шикастланиши (ЎБШ) билан асоратланиши мумкин.

Жаҳон миқёсида зотилжам билан оғриган беморларда буйрақларнинг функционал ҳолатини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларга кўра буйракни ўткир функционал бузилишининг клиник ва ижтимоий аҳамияти зотилжамнинг нохуш башорати билан ассоциирланиши, шунингдек, ЎБШни сурункали буйрак касаллигига ўтиш сони кўплиги билан боғлиқ. Бир қатор хорижий илмий изланишларда зотилжам билан оғриган беморларда ўткир буйрак шикастланиши ривожланиши кўрсатиб ўтилган ва уларда госпитал, ва йиллик ўлим хавфининг ортиши билан чамбарчас боғлиқлик борлиги исботланган. Адабиётлардаги маълумотларга кўра «...ЎБШ зотилжам билан оғриган беморларнинг 34% дан кўпроғида кузатилади, бироқ ушбу статистика бу муаммони ташхислашда ишончли усуллар йўқлиги ҳамда унга етарлича эътибор берилмаётганлиги сабабли суст баҳоланмоқда».² Бинобарин, респиратор касалликларда буйрақларнинг функционал ҳолати бузилишини прогнозлаш, олдини олиш ва даволаш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш, аҳоли умр давомийлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш

¹World Health Organization. The top 10 causes of death. 2018 update. Available from: <http://www.who.int> Accessed 2018 Dec 12.

²Серов В.А. и др. Прогностическое значение острого повреждения почек у больных внебольничной пневмонией //Терапевтический архив, 2016. – Т. 88. №.6. – С. 9–13.

тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»³га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда зотилжамда ЎБШни эрта ташхислаш, оғир асоратлар ривожланишининг олдини олиш ва патогенетик даволаш тамойилларини оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ–2857-сон «Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «2019–2022 йилларда юкумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шифохонадан ташқари оғир ва оғир бўлмаган зотилжам билан 1836 нафар шифохонага ётқизилга беморда олиб борилган рандомизирланган тадқиқотлардан олинган маълумотлар 631 нафар (34%) беморда ўткир буйрак шикастланишлар ривожланганлигини кўрсатди, уларнинг 25%и оғир бўлмаган зотилжам билан хасталанган эди (Murugan R. et al., 2010). Қатор ретроспектив тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра зотилжам билан оғриган беморларда ЎБШнинг ривожланиши госпитал, 90 кунлик ва йиллик ўлим хавфининг ортиши билан ассоциирланган. Шу билан бирга ўлим хавфи зотилжам асоратлари бартараф этилгандан ва беморлар шифохонадан чиқарилгандан кейин ҳам камаймади. Буйрак функциясининг ҳатто ўртача камайиши ҳам ўлим хавфининг ошиши билан ассоциирланади (Halm E.A., Teirstein A.S., 2002; Vihorac A. et al., 2009; Coca S.G. et al., 2009; Newsome B.V. et al., 2008). Зотилжамда буйрақларнинг шикастланиш патогенезини ўрганиш бўйича сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ЎБШ ривожланишида буйрақлар периканаликуляр тўқималарининг гипоксия ва

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон ««Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

гипоперфузияси, маҳсулотлари юза полисахарид ҳужайралар билан индуцирланувчи яллиғланиш ҳужайралари ва цитокинлари билан воситаланган перитубуляр шикастланишнинг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди (Alobaidi R. et al, 2015; Prowle J.R. et al, 2015; Verma S.K. et al., 2015). ЎБШ асосида каналлар эпителийсининг ўткир некрози ётиши ҳамда унда иммунитет бўғинларининг туғма ва орттирилган механизмлари бузилиши муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилган. Ҳатто буйракларнинг филтрацион функцияси сақланиб қолинганда ҳам тиклаб бўлмас ўзгаришлар ва нефроннинг ўлиши каналлар некрозининг пировард натижаси ҳисобланади (Huen S.C. et al., 2017; Desai J. et al., 2016; Okubo K. et al., 2018; Nakazawa D. et al., 2017).

ЎБШнинг диагностикасини оптималлаштириш мақсадида буйраклар эрта шикастланишининг биомаркерларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. 1582 нафар беморни қамраб олган 12 та трайлар метатахлили ЎБШни аниқлашда қон зардобдаги липокалин диагностик аҳамиятга эгаллигини кўрсатган (Kim S., Kim H.-J., Ahn H.-S., et al., 2016). Амалга оширилган бошқа 12 та тадқиқот (1263 нафар бемор)нинг метатахлили шуни кўрсатдики, липокалин инфекция сабабли ва ишемия-реперфузия оқибатида каналчаларнинг шикастланиш маркери бўлиб хизмат қилади (Bagshaw S.M., Bennett M., Haase M., et al., 2010). 3129 нафар бемор, жумладан, уларнинг 150 нафари сепсис-шартланган ЎБШ бўлган беморларни қамраб олган 12 та трайл натижаларига кўра сийдикда буйрак шикастланиши молекуласининг КИМ–1 концентрацияси юқумли касалликлар билан оғриган беморларда ЎБШни эрта ташхислашда ахборат қийматга эга (Shao X., Tian L., Xu W., et al., 2014; Tu Y., Wang H., Sun R., et al., 2014). Мультимарказлашган тадқиқотлардан олинган маълумотларга мувофиқ (13 та госпитал, 500 нафардан ортиқ бемор) TIMP–2 – металлпротеиназнинг тўқима ингибитори ҳамда IGFBR7 – инсулинга ўхшаш ўсиш омилини, айниқса, уларнинг комбинациясини боғлайдиган протеин юқумли касалликлар билан оғриган беморларда ЎБШ ривожланишининг предиктори ҳисобланади (Peng Z.-Y. et al., 2016; Honore P.M., Nguyen H.B., Gong M. et al., 2016).

ЎБШни аниқлаш учун спецификликка ва юқори сезувчанликка эга биомаркерлар маълумлигига қарамадан диагностик жамланмаларнинг қимматлиги ва тестларни бажаришнинг мураккаблиги туфайли уларнинг рутинли амалиётга жорий этилиши қийинлигича қолмоқда. Бинобарин, юқумли респиратор патологияли беморларда ЎБШ ривожланишининг қўшимча предикторларини қидириш ҳамда беморларни олиб бориш тактикасини аниқлаш долзарб муаммолигича қолмоқда. Худди мана шу вазият ушбу тадқиқот ишини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (давлат қайд рақами 01980006703)

доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш билан бирга уларнинг ўткир шикастланишини даволаш ва превентив тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда зотилжамнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва N-ацетилцистеиннинг касаллик кечишига таъсирини баҳолаш;

зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг сурункали касаллиги мавжудлиги ҳамда олиб борилаётган терапияга боғлиқ ҳолда буйракларнинг функционал ҳолати динамикасини аниқлаш;

зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг сурункали касаллиги мавжудлиги ҳамда олиб борилаётган терапияга боғлиқ ҳолда юрак-қон томир тизими ҳолатини қиёсий баҳолаш;

зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг сурункали касаллиги мавжудлигига боғлиқ ҳолда тизимли яллиғланиш фаоллиги ва иммунологик хусусиятларни аниқлаш ҳамда ўрганилаётган кўрсаткичларга N-ацетилцистеиннинг таъсирини баҳолаш;

зотилжам билан оғриган беморларнинг иммунологик мақоми, тизимли яллиғланиш, гемодинамика параметрлари ҳамда буйракларнинг функционал ҳолати динамикаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ва зотилжам билан оғриган беморларда ўткир буйрак шикастланишининг предикторларини белгилаш;

ўткир буйрак шикастланишининг олдини олиш ва ташхислаш аспектида зотилжам билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 120 нафар зотилжам билан оғриган беморлар олинди, уларнинг 80 нафариди зотилжам сурункали буйрак касаллиги фониди ривожланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб вена қони, капилляр қон, ЭхоКГ, доплерография билан буйраклар ультратовушли текшируви натижалари ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, иммунологик, ультратовушли, эхокардиографик ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба СБК негизида ривожланган зотилжамда преморбид негизсиз зотилжамдан фарқли салбий клиник-рентгенологик динамика билан ифодаланиши исботланган;

зотилжам билан оғриган беморларда биринчи кундаёқ буйракларнинг функционал ҳолати бузилиши аниқланган;

СБК негизидаги зотилжамда иммунитетнинг лимфоцитар бўғинини фаоллашиши ва туғма иммунитетнинг бирламчи жавоби тез бостирилиши

билан бирга келиши кўрсатилган;

зотилжам билан оғриган беморларда СБКнинг мавжудлиги, қонда цистацин С даражасининг ошиши, реактив ва антитела ишлаб чиқарилувчи лимфоцитлар ва моноцитларнинг ортиши, нейтрофиллар улуши ва IgM миқдори камайши ўткир буйрак шикастланиши предикторлари бўлиб ҳисобланиши исботланган;

зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини яхшилашда ҳамда ўткир буйрак шикастланиши ривожланиш хавфини камайтиришда ацетилцистеинни қўшимча қўллашнинг ижобий самараси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

буйраклар шикастланишини эрта аниқлаш мақсадида зотилжам билан оғриган беморлар кретинин ва С цистинини қон зардобда концентрацияси аниқлашнинг ва буйракларнинг сегментар артериялари резистивлик индексини аниқлаш билан буйракларни ультратовушли текширишнинг амалий аҳамияти исботланган;

олинган илмий натижалар асосида ЎБШ хавф омиллари аниқланган ва зотилжам билан оғриган беморларда уларнинг предикторлик аҳамияти кўрсатилган;

ЎБШнинг олдини олиш мақсадида зотилжам билан оғриган беморларда N-ацетилцистеин инфузиясининг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

зотилжам билан оғриган беморларни ЎБШ профилактикаси ва диагностикаси аспектида олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, иммунологик, ультратовушли, эхокардиографик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СБК фонидagi ривожланган зотилжам билан оғриган беморларда иммунитет тизимини баҳолаш, зотилжамда буйракларнинг функционал фолыятини цистацин С каби биомаркерлар орқали аниқлаш ва ўткир буйрак шикастланишини частотасини қайд этиш, ЎБШ ривожланиш хавф омилларининг предикторлик аҳамиятини аниқлаш ҳамда унинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида шакллантирилган амалий тавсияларнинг жорий этилиши, зотилжам билан оғриган беморларни олиб бориш усулларини муқобиллаштириш, буйраклар

томонидан асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш, касаллик прогнози ва беморлар яшовчанлигини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зотилжам билан оғриган беморларда ўткир буйрак шикастланишининг прогностик омилларини аниқлаш ва уларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали буйрак касаллиги негизида зотилжам билан оғриган беморлар терапиясини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-р/589-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома зотилжам билан оғриган беморлар парваришини оптималлаштириш, буйраклар асоратининг томонидан асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш, беморларни тетиклаштириш ва касаллик ҳолатини яхшилаш имконини беради;

«Зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолати. Буйракларнинг ўткир шикастланиш предикторларини аниқлаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-р/588-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг ўткир шикастланиш хавф омилларини ўз вақтида аниқлаш ва ушбу асоратнинг олдини олиш имконини беради.

Зотилжам билан оғриган беморлар парваришини оптималлаштириш, буйракларнинг ўткир шикастланиш хавф омилларини ўз вақтида аниқлаш ва асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 8н-з/23-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши зотилжам билан оғриган беморларда ўткир буйрак шикастланишини прогнозлаш имконини беради, профилактика усулларининг қўлланилиши унинг тўлиқ ривожланиш хавфини 31% гача камайтириб, зотилжам билан оғриган беморлар прогнозини ижобий томонга ўзгартиради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Шифохонадан ташқари зотилжамда буйракларнинг шикастланиши: муаммонинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида урта кичик боблардан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. Бобда, шунингдек, муаммонинг замонавий ҳолати таҳлилга тортилган, ўпка инфекциясида буйраклар шикастланиши ва зотилжам патогенези масалалари тавсифланган, ЎБШни ташхислаш ва даволашнинг асосий усуллари ёритилган. Келгусида ўрганилиши талаб этиладиган масалалар доираси аниқланган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Зотилжам билан оғриган беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини тадқиқ қилиш усуллари ва клиник материаллар усуллари»** деб номланган иккинчи бобида статистик усулдан фойдаланиб тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари тавсифланган. Тадқиқотга 120 нафар шифохонадан ташқари зотилжам бўлган беморлар қамраб олинган, улардан 40 нафарининг анамнезида буйрак патологияси бўлмаган (Зт (зотилжам) гуруҳи), беморларнинг 80 нафари эса сурункали буйрак касаллигидан азият чекишган (зотилжам ривожлангунга қадар 3 ой давомида КФТ 30–60 мл/мин/1,7м², Зт+СБК). Назорат гуруҳи (НГ)ни 20 нафар соғлом шахслар ташкил этди. Барча беморларда динамикада ўпкаларнинг клиник-рентгенологик текшируви ўтказилди, юрак-қон томир тизими, буйракларнинг функционал ҳолати, иммун тизими ва яллиғланиш фаоллиги баҳоланди. Қонда креатинин миқдори 3-суткада 26,5мкмоль/л (0,3мг/дл)га кўтарилганда ЎБШ ташхиси қўйилди. Барча беморлар иккита терапевтик гуруҳларга рандомизирланди: АЦ– гуруҳдаги беморлар (60 нафар)да стандарт зотилжам терапияси ўтказилди, АЦ+ гуруҳидаги беморлар (60 нафар)да эса терапия схемасига қўшимча равишда 900–1200 мг дозада вена ичи инфузияси кўринишида N-ацетилцистеин (АЦ) қўшилди.

Буйраклар функцияси қонда креатинин концентрацияси (Яффе усулида пикрин кислота билан бўялган креатинин комплекси оптик зичлигини аниқлаш орқали) ва С цистацинни (ELISA иммунофермент таҳлил) аниқлаш билан баҳоланади. Буйракларнинг ультратовуш текшируви (УТТ) Sonace X6 аппаратида амалга оширилди, буйрак ичи қон оқими доплерографиясида Пурселло резистивлик индекси (РИ) ҳисобланди. Эхокардиографик (ЭхоКГ) текширувлар В ва М режимда Sonace X6 аппаратида ўтказилди. Симпсон усули бўйича систолага чап қоринча (сўнгги диастолик ҳажм (СДХ) ва сўнгги систолик ҳажм (ССХ)) ва чап бўлма (ЧБ) ҳажмлари аниқланди.

Систола ва диастолага ўнг қоринча майдончаси (ЎҚМ) ҳамда систолага ўнг бўлма (ЎБ) апикал 4 камерали позицияда ўлчанди. Тана юзаси майдонига олинган катталиклар индексацияси ўтказилди. ЧҚ ва ЎҚ зарб фракцияси (ЗФ) диастола ва систолага ҳажм (ЧҚ учун) ва майдон (ЎҚ учун) ҳамда диастолага фоизларда ифодаланган ҳажм/майдон ўзгаришининг нисбати сифатида аниқланди. Диастолик функция эрта ва кечки диастолик оқимнинг (PE/PA) митрал ва трикуспидал тирқиш орқали максимал тезлигига нисбатан баҳоланди. Ўпка артериясидаги ўртача босим Китабатаке формуласи бўйича аниқланди.

Қоннинг умумий таҳлили BS-2000 автоматик анализаторида аниқланди. Қонда эритроцитлар, тромбоцитлар ва лейкоцитлар ҳужайрасининг миқдори, шунингдек, уларнинг популяциялари – нейтрофиллар, эозинофиллар, базофиллар, етилмаган гранулоцитлар ва лимфоцитлар ҳамда уларнинг субпопуляциялари – CD3+, CD4+, CD8+, CD95+ рецепторлари, реактив ва лимфоцитларни ишлаб чиқарувчи антитаналарни ташувчи ҳужайраларни аниқлаш SYSMEX анализаторида оқим цитометрияси усулида амалга оширилди. Шунингдек, нейтрофиллар реактивлик ва донаторлик кўрсаткичлари ҳамда IgG ва IgMни боғловчи ЦИК концентрацияси баҳоланди. СРО даражаси миқдорий иммунофермент усулда аниқланди. МДА концентрацияси липидларнинг перексидланиши (ЛПО) фаоллиги кўрсаткичи сифатида Uehiyama M, M. Mlehara (1978) методикасидан фойдаланиб В.Б.Гаврилов усулиб ўйича аниқланди.

Олинган маълумотларга статистик ишлов берилди. Ўртача арифметик, стандарт хатолик ҳисобланди, гуруҳлараро фарқлар ишончлилиги жуфт ва тоқ фарқлар учун Стьюдент мезонидан фойдаланиб белгиланди. Сифат белгилари Хи квадрат мезонидан фойдаланган ҳолда гуруҳлараро фарқларни ҳисоблаш орқали гуруҳларда учраш частотаси бўйича баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцияси коэффициенти ва унинг аҳамиятини ишончлилик жадвали бўйича аниқлашдан фойдаланиб ўтказилди.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллиги фонида зотилжам билан оғриган беморларнинг клиник кўриниши**» деб номланган учинчи бобида буйракларнинг бошланғич меъёрий функцияси ва буйракларнинг сурункали фонли касаллиги бўлган беморларда зотилжамнинг клиник-рентгенологик хусусиятлари, буйракларнинг функционал ҳолати ҳамда қон-томир тизимининг структур-функционал ҳолати ўрганилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, фонли патологиясиз беморларга нисбатан СБК фонида зотилжам бўлган беморларда катта ҳажмли инфилтрат билан улушли ва ўчоқли аралаш зотилжам ишончли кўп кузатилди ($p < 0,001$), бу физикал маълумотлардаги фарқлар билан тушунтирилади (1-жадвал). Шунингдек, $Zt + СБК$ гуруҳида аускультацияда нам хириллашлар ($p < 0,05$) ва кўкрак қафасидаги оғриқ ($p < 0,001$) ишончли кўп қайд этилди, камдан-кам ҳолларда эса перкутор бўғиқлик ($p < 0,01$) ва овоз қалтирашининг пальпатор кучайиши кузатилди ($p < 0,01$), шунингдек, жуда кам ҳолатларда 38 градусдан

юқори истима ҳам учради ($p < 0,001$). Бу, эҳтимол, зотилжам билан оғриган беморларда сурункали буйрак касаллиги мавжудлиги сабабли иммун реакциянинг паст фаоллиги билан боғлиқ бўлса керак.

1-жадвал

СБК мавжудлигига боғлиқ ҳолда беморларда зотилжамнинг клиник-рентгенологик манзараси

Белгилари	Зт+СБК (n=80)	Зт(n=40)	Хи квадрат
Гипертермия	43 (53,75%)	34 (85%)	11,50, $p < 0,001$
Ўйтал	80 (100%)	40 (100%)	Ишончсиз
Кўкрак қафасида оғриқ	72 (90%)	4 (10%)	73,22, $p < 0,001$
Овоз қалтирашининг кучайиши	24 (30%)	24 (60%)	9,96, $p < 0,01$
Перкутор бўғиқлик	36 (45%)	28 (70%)	6,76, $p < 0,01$
Нам хириллашлар	62 (77,5%)	22 (55,0%)	6,33, $p < 0,05$
Крепитация	80 (100%)	40 (100%)	Ишончсиз
Бўлакли инфилтрат	34 (42,5%)	2 (5%)	22,41, $p < 0,001$
Ўчоқлар қўшилган	22 (27,5%)	10 (25%)	
Ўчоқли	24 (30%)	28 (70%)	

Терапия жараёнида ижобий рентгенологик ва клиник динамика – 78 нафар (65%), салбий – 22 нафар (18,3%), аҳамиятли динамикасиз манзара – 20 нафар (16,7%) зотилжам билан оғриган беморда кузатилди. Зт+СБК гуруҳида ижобий динамика – 45 нафар (56,25%), салбий динамика – 20 нафар (25%) ва динамикасиз – 15 нафар (18,75%) беморда қайд этилди. Зт гуруҳидаги беморларда бундай тақсимланиш мос ҳолда 33 нафар (82,5%), 5 нафар (12,5%) ва 2 нафар (5%)ни ташкил этди. АЦ қабул қилиш/қилмаслик билан боғлиқ ҳолда беморлар тақсимланганда зотилжам билан оғриган барча беморлар орасида ацетилцистеин қабул қилган беморларда қабул қилмаган беморларга нисбатан ижобий рентгенологик динамика ишончли кўп қайд этилиши аниқланди (хи квадрат=14,87, $p < 0,001$). Шу билан бирга АЦнинг ижабий самараси фақат Зт+СБК гуруҳида ифодаланди (хи квадрат=15,29, $p < 0,001$). Зт гуруҳида зотилжамнинг рентгенологик динамикасидаги частотали фарқлар ҳамда зотилжам жуда кам ифодаланди (2-жадвал).

Терапевтик гуруҳларга боғлиқ ҳолда зотилжамнинг рентгенологик динамикаси

СБК бўйича гуруҳлар	Терапия гуруҳи	Рентгенологик характеристика	Ижобий динамика (n=78)	Динамикасиз (n=20)	Салбий динамика (n=22)
Зт+ХБП (n=80)	АЦ+ (n=40)	Бўлакли (n=17)	14	1	2
		Ўчоқлар кўшилган (n=12)	9	2	1
		Ўчоқли (n=11)	8	2	1
	Бошланғич рентгенологик манзара бўйича Хи квадрат=7,80, ишончсиз				
	АЦ- (n=40)	Бўлакли (n=17)	6	4	7
		Ўчоқлар кўшилган (n=10)	3	2	5
Ўчоқли (n=13)		5	4	4	
Бошланғич рентгенологик манзара бўйича Хи квадрат=7,85, ишончсиз					
Зт+СБК, Хи квадрат АЦ+/АЦ- =15,29, p<0,001					
Зт (n=40)	АЦ+ (n=20)	Бўлакли (n=1)	1	0	0
		Ўчоқлар кўшилган (n=4)	3	0	1
		Ўчоқли (n=15)	14	1	0
	Бошланғич рентгенологик манзара бўйича Хи квадрат аниқланмайди, ишончсиз				
	АЦ- (n=20)	Бўлакли (n=1)	1	0	0
		Ўчоқлар кўшилган (n=6)	5	1	0
Ўчоқли (n=13)		9	3	1	
Бошланғич рентгенологик манзара бўйича Хи квадрат аниқланмайди, ишончсиз					
Зт, Хи квадрат АЦ+/АЦ- =2,07, p>0,05					
Барча беморлар, хи квадрат АЦ+/АЦ- =14,87, p<0,001					
Барча беморлар, хи квадрат Зт+СБК/Зт=9,27, p<0,01					
Барча беморлар (n=120)	Бўлакли (n=36)		22	5	9
	Ўчоқларг кўшил (n=32)		20	5	7
	Ўчоқли (n=52)		36	10	6
Барча беморлар, бошланғич рентгенологик манзара бўйича Хи квадрат=6,89, p>0,05					

Буйрақларнинг функционал ҳолатини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, зотилжам билан оғриган беморларда қонда креатининнинг бошланғич концентрацияси назорат кўрсаткичларидан ишончли ошди. Фонли СБК билан беморларнинг ажратилиши, қабул қилинганда буйрақлари илгари шикастланмаган беморларда қонда креатинин концентрацияси соғлом шахслар ҳолати билан таққослана олади, бу беморларнинг ушбу гуруҳида буйрақлар функциясини сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақида тахмин қилиш имконини беради. С цистациннинг зардобли концентрацияси таҳлили бошқа бир манзарани намойиш этади: зотилжам билан

оғриган беморларда унинг концентрацияси Зт+СБК гуруҳидаги беморларда ҳам ($p<0,001$), Зт гуруҳидаги беморларда ҳам ($p<0,001$) НГ да юқори бўлди. Шундай қилиб, зотилжам билан оғриган беморларда биринчи суткадаёқ буйрақларнинг функционал ҳолати бузилиши қайд этилади.

3-жадвал

Госпитализациянинг биринчи кунларида зотилжам билан оғриган беморларда буйрақларнинг функционал ҳолати

Кўрсаткич	Барча беморлар: Зт (n=120)	Зт+СБК (n=80)	Зт (n=40)	НГ (n=20)
Креатинин, мкмоль/л	133,40±92,38***	196,43±74,73***	50,85±15,46^^^	46,40±10,96
Цистацин, мг/л	1,83±0,95***	2,32±0,75***	0,85±0,37***^^^	0,50±0,12

Изоҳ: * – НГ билан ишончли фарқлар, ^ – Зт гуруҳи билан ишончли фарқлар, # – бошланғич маълумотлар билан ишончли фарқлар. Битта белги – $p<0,05$, иккита белги – $p<0,01$, учта белги – $p<0,001$.

Зт+СБК гуруҳидаги 70 нафар (87,5%) ҳамда Зт гуруҳидаги 27 нафар (67,5%) беморда буйрақларнинг ўткир шикастланиши ташхисланди (хи квадрат=6,68, $p<0,01$). Зотилжам билан оғриган беморларда ацетилцистеинни қабул қилиш/қилмасликка боғлиқ ҳолда ЎБШнинг ривожланиши ўрганилганда куйидагилар аниқланди (4-жадвал): Зт гуруҳида ҳам, Зт+СБК гуруҳида ҳам ЎБШ АЦ қабул қилмаган беморларда ишончли кўп ривожланади. Шу билан бирга АЦ қабул қилмаган беморлар орасида ЎБШ частотаси таққосланса бўладиган даражада бўлди ва буйрақларнинг бошланғич патологиясига боғлиқ бўлмади (Зт+СБК АЦ– ва Зт АЦ– беморларда ЎБШнинг частотали фарқи – ишончсиз). Айни пайтда АЦ қабул қилган беморларда буйрақларнинг ўткир шикастланиш частотаси Зт гуруҳи билан таққосланганда Зт+СБК гуруҳида ишончли юқори бўлди (хи квадрат=11,75, $p<0,001$).

4-жадвал

Қабул қилинаётган терапия ва фонли буйрак патологиясига боғлиқ ҳолда зотилжам билан оғриган беморларда ЎБШ частотаси

		ЎБШ	Хи квадрат
Барча Зт (n=120)	АЦ+ (n=60)	39 (65,0%)	19,47, $p<0,001$
	АЦ- (n=60)	58 (96,66%)	
Зт+СБК (n=80)	АЦ+ (n=40)	32 (80%)	4,23, $p<0,05$
	АЦ- (n=40)	38 (95,0%)	
Зт (n=40)	АЦ+ (n=20)	7 (35%)	19,37, $p<0,001$
	АЦ- (n=20)	20 (100%)	

Зотилжам билан оғриган беморлар қонида креатинин концентрацияси ва динамика таҳлилини амалга оширишда текширилаётган гуруҳ беморларида максимал 3-суткага бориб аста-секин камайиш билан креатининнинг ошиши кузатилиши аниқланди. Зт гуруҳида 7-суткага келиб креатинин концентрацияси бошланғич аҳамиятга қайтди ва назорат гуруҳи билан таққослана оладиган бўлди, Зт+СБК гуруҳидаги беморларда эса креатинин

концентрацияси кўрсаткичи госпитализация қилинганга қадар олинган кўрсаткичларга нисбатан ишончли кам аҳамиятга етди. Ацетилцистеин қабул қилинишига боғлиқ ҳолда беморлар тақсимланганда ҳар бир клиник гуруҳдан комплекс терапия таркибида АЦ қабул қилган беморларнинг кичик гуруҳи АЦ қабул қилмаган беморлар гуруҳига нисбатан креатининнинг жуда кам концентрацияси ва ижобий динамикани намойиш этди.

5-жадвал

СБК ва терапевтик гуруҳларга боғлиқ ҳолда зотилжам билан оғриган беморларда юрак-қон томир тизими структур-функционал характеристикасининг динамикаси (суратда – қабул қилинган кундаги, махражда – терапиянинг 10-кунидаги маълумотлар)

Кўрсаткичлар	3т+СБК АЦ+ (n=40)	3т+СБК АЦ- (n=40)	3т АЦ+ (n=20)	3т АЦ- (n=20)
иСДХ ЧК, мл/л ²	<u>116,58±17,38</u> 115,70±15,67	<u>116,98±18,69</u> 115,80±17,64#	<u>106,80±7,84^{^^}</u> 106,05±6,82 ^{^^}	<u>106,25±12,03^{^^}</u> 105,55±10,40 ^{^^}
ҚАП, см	<u>1,11±0,20</u> 1,09±0,18	<u>1,14±0,22</u> 1,13±0,21	<u>1,03±0,14</u> 1,00±0,11# [^]	<u>1,07±0,18</u> 1,05±0,17
ЧҚОД, см	<u>1,06±0,16</u> 1,03±0,15#	<u>1,03±0,15</u> 1,02±0,15	<u>1,03±0,11</u> 0,99±0,11#	<u>1,05±0,12</u> 1,03±0,11
ЧҚЗФ ЛЖ, %	<u>52,05±2,97</u> 52,65±3,40#	<u>52,95±3,84</u> 53,40±3,84#	<u>56,80±4,40^{^^^}</u> 57,90±4,27# ^{^^^}	<u>55,05±3,00[^]</u> 55,70±2,43 ^{^^}
ЎҚЗФ, %	<u>34,45±4,66</u> 35,10±4,30#	<u>35,78±4,50</u> 36,05±4,43	<u>39,65±4,40^{^^^}</u> 41,05±3,49# ^{^^^}	<u>39,30±5,16[^]</u> 39,75±4,96 ^{^^}
иЧБ, мл/л ²	<u>33,45±5,19</u> 32,90±4,97#	<u>34,13±5,54</u> 33,75±5,62	<u>25,20±3,24^{^^^}</u> 23,95±3,49# ^{^^^}	<u>26,35±5,32^{^^^}</u> 25,65±4,85 ^{^^^}
иЎБ, см/м ²	<u>17,75±2,46</u> 17,08±2,36#	<u>18,30±3,16</u> 17,85±2,98	<u>16,45±3,22</u> 15,30±2,56# [^]	<u>18,05±2,24</u> 17,30±2,56*
РЕ/РА МК, нисбий бирлик	<u>1,05±0,21</u> 1,10±0,20##	<u>1,04±0,20</u> 1,07±0,20#	<u>1,20±0,23[^]</u> 1,27±0,20# ^{^^}	<u>1,08±0,20</u> 1,12±0,21*
РЕ/РА ТК, нисбий бирлик	<u>1,13±0,23</u> 1,20±0,21##	<u>1,18±0,26</u> 1,22±0,24#	<u>1,20±0,28</u> 1,30±0,22#	<u>1,16±0,29</u> 1,25±0,28#
Теi ЧК, нисбий бирлик	<u>0,61±0,12</u> 0,59±0,11##	<u>0,61±0,10</u> 0,60±0,09#	<u>0,42±0,06^{^^^}</u> 0,40±0,06# ^{^^^}	<u>0,43±0,07^{^^^}</u> 0,42±0,05# ^{^^^}
Теi ЎК, нисбий бирлик	<u>0,57±0,08</u> 0,56±0,08#	<u>0,53±0,10</u> 0,53±0,10	<u>0,45±0,05^{^^^}</u> 0,42±0,04# ^{^^^}	<u>0,44±0,04^{^^^}</u> 0,43±0,04 ^{^^^}
ЎАЎБ, мм.сим. устуни	<u>20,03±2,09</u> 19,35±1,89###	<u>20,25±2,83</u> 19,80±2,64##	<u>18,45±2,04^{^^}</u> 17,40±1,47## ^{^^^}	<u>18,30±1,59^{^^}</u> 17,80±1,47# ^{^^^}
ЮУС/дақиқа	<u>90,03±12,24</u> 80,93±10,09##	<u>88,20±12,38</u> 81,45±8,08##	<u>77,20±6,93^{^^^}</u> 72,50±6,88# ^{^^^}	<u>80,25±6,17^{^^}</u> 75,00±8,08# ^{^^}
САБ, мм. сим. ҚБУстуни	<u>133,40±17,28</u> 129,73±15,06##	<u>130,00±21,60</u> 125,50±16,67##	<u>106,00±18,25^{^^^}</u> 109,25±12,90 ^{^^^}	<u>107,25±15,60^{^^^}</u> 110,75±10,92 ^{^^^}
ДАБ, мм.сим. устуни	<u>86,75±8,59</u> 81,50±7,18###	<u>85,50±11,97</u> 82,75±8,69#	<u>59,00±7,18^{^^^}</u> 64,50±6,05# ^{^^^}	<u>62,50±7,16^{^^^}</u> 65,00±5,13 ^{^^^}

Изоҳ: * – АЦ+ ва АЦ– гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончлилиги, ^ – 3т+СБК ва 3т гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончлилиги, # – бошланғич маълумотлар билан фарқлар ишончлилиги. Битта белги – $p < 0,05$, иккита белги – $p < 0,01$, учта белги – $p < 0,001$.

Буйракларнинг сегментар артериялари резистивлик индекси (РИ)ни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, зотилжам билан оғриган барча беморларда РИ назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлди. Бундан ташқари фонли СБК РИнинг сезиларли даражада ошиши билан ассоциирланади (3т гуруҳи билан таққосланганда $p < 0,001$). АЦ қабул қилган беморларда терапия жараёнида РИнинг эришилган аҳамияти АЦ қабул қилмаган беморларга нисбатан паст бўлди.

ЭхоКГ натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, зотилжам билан оғриган беморларда НГ билан таққосланганда қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди: иСДХ ЧҚ – 13,30%, ЎҚи – 78,96%, ЧҚи – 52,91%, ЎБи – 45,63%, қоринчалар аро пардадевори (ҚАП) – 26,34%, чап қоринча орқа девори (ЧҚОД) – 31,03%, ўпка артерияси (ЎА)нинг ўртача босими – 23,34% га ортиши (барча аҳамиятлар учун $p < 0,001$), ЧҚ систолик функциясининг – 15,66% ($p < 0,001$), ЎҚ – 9,15% га камайиши қайд этилди ($p < 0,01$). Шунингдек, ҳар иккала қоринчаларнинг диастолик функцияси бузилиши ва миокард ишлаб туриши самарадорлигининг камайиши, артериал босим (АБ) ва юрак уриш сонининг ошиши ҳам аниқланди. 3т гуруҳига нисбатан 3т+СБК гуруҳидаги беморларда миокарднинг структур-функционал бузилиши катта даражада ифодаланди. Бу фарқ СБКнинг кўшимча ҳиссаси ва улар билан боғлиқ бўлган миокарднинг ремоделланишида ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллашиши билан тушунтирилади. Терапия жараёнида ўрганилаётган кўрсаткичлар ҳар иккала гуруҳда ҳам таққослана оладиган даражада меърлашиш томонга қараб ўзгарди. Ацетилцистеинни кўшимча равишда қабул қилишга боғлиқ ҳолда зотилжам билан оғриган беморларнинг тақсимланиши ЭхоКГ параметрлари нисбий динамикасида ишончли фарқларни аниқламади.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллиги билан бирикканда зотилжамнинг иммунояллиғланиш аспектлари**» деб номланган тўртинчи бобида тизимли СБК фонида зотилжам билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш фаоллиги ва иммунгематологик хусусиятлар ўрганилган. Тадқиқот давомида олинган натижалар зотилжам билан оғриган беморларнинг ҳар иккала гуруҳида СБК мавжудлигидан қатъи назар, эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ), СРО ва малонли диальдегид (МДА) концентрацияси НГга нисбатан ишончли ошганлигини кўрсатди. Терапия жараёнида 3т+СБК гуруҳининг терапия схемасига кўшимча равишда АЦ қабул қилинишининг киритилиши ЭЧТ ($p < 0,001$), СРО ($p < 0,01$) ва МДА ($p < 0,001$) аҳамиятининг камайишига ёрдам берди. 3т гуруҳида АЦнинг кўшимча равишда қабул қилиниши ЭЧТ динамикасига аҳамиятли таъсир кўрсатмади, СРО ва МДАни камайтирди.

Иммуногематологик мақомни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, СБК фонида зотилжам билан оғриган беморларда назорат ва 3т гуруҳи билан таққосланганда эритроцитлар, гемоглобин ва гематокрит миқдорининг камайиши қайд этилди.

СБК ва терапевтик гуруҳларга боғлиқ ҳолда зотилжам билан оғриган беморларда яллиғланишнинг носпецифик маркерлари динамикаси (суратда – қабул қилинган кундаги, махражда – терапиянинг 10-кундаги маълумотлар)

Кўрсаткичлар	3т+СБК АЦ+ (n=40)	3т+СБК АЦ- (n=40)	3т АЦ+ (n=20)	3т АЦ- (n=20)
ЭЧТ, мм/ч	$\frac{29,18 \pm 7,12}{22,08 \pm 4,57 \#\#\#}$	$\frac{30,78 \pm 10,16}{25,60 \pm 4,42 \#\#\#\#\#}$	$\frac{30,30 \pm 11,71}{21,65 \pm 3,83 \#\#}$	$\frac{30,50 \pm 8,14}{23,70 \pm 2,62 \#\#\#\#^{\wedge}}$
СРО, мг/л	$\frac{13,68 \pm 5,06}{9,25 \pm 2,18 \#\#\#}$	$\frac{13,43 \pm 4,91}{11,00 \pm 3,20 \#\#\#\#\#}$	$\frac{13,55 \pm 2,76}{7,70 \pm 1,30 \#\#\#\#\#\#^{\wedge}}$	$\frac{13,75 \pm 3,84}{9,50 \pm 1,88 \#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#^{\wedge}}$
МДА, нмоль/л	$\frac{3,93 \pm 0,76}{1,61 \pm 0,56 \#\#\#\#}$	$\frac{3,80 \pm 0,70}{2,41 \pm 0,56 \#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#}$	$\frac{3,68 \pm 0,76}{1,45 \pm 0,46 \#\#\#\#}$	$\frac{3,82 \pm 0,95}{2,10 \pm 0,36 \#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#\#^{\wedge}}$

*Изоҳ: * – АЦ+ ва АЦ- гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончилиги, ^ – 3т+СБК ва 3т гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончилиги, # – бошланғич маълумотлар билан фарқлар ишончилиги. Битта белги – $p < 0,05$, иккита белги – $p < 0,01$, учта белги – $p < 0,001$.*

